



БАҲОЛАШ ТИЗИМИ МОДЕРНИЗАЦИЯСИ- ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ибраимов Холбой Ибрагимович

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, академик,

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти директори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14763656>

Глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган трансформацион даврда жаҳондаги таълим тизими ижтимоий жараёнлардан келиб чиққан ҳолда шиддат билан ривожланишни тақозо этмоқда. Таълим орқали эса жамиятда келажакдаги вазифаларни бажаришга кодир булган янги авлод шакллантирилади. Дунёда таълим сифати, савияси ва даражасини баҳолаб берувчи **PISA** (Ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқародастури), **PIRLS** (Матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот), **TIMSS** (Мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг) каби қатор халқаро дастурлар мавжуд бўлиб, улар ривожланган давлатлардаги таълим сифатини янада оширишдаги асосий мезон сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб **PISA** халқаро баҳолаш дастурининг рейтингини бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш устувор вазифа этиб белгиланган эди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида дунёда таълим сифатини баҳолаш бўйича етакчилик қилиб келаётган халқаро баҳолаш дастурлари, жумладан, **TIMSS**, **PISA** ва **PIRLS** дастурларида иштирок этишга киришилди. Халқаро баҳолаш дастурларида муваффақиятли иштирок этиш, бевосита таълим сифатини ошириш билан боғлиқдир. Унда иштирок этиш, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамиятида ўқувчиларнинг ўқув дастурларини ёдда сақлаб қолганлигини баҳолашдан уларнинг компетенцияларини баҳолаш, яъни мактабда эгаллаган билимларини реал ҳаётини вазиятларда қўллаш олиши, ижодий ва мантикий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш ва уни баҳолашга ўтишда муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Қолаверса, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг **TIMSS**, **PISA** ва **PIRLS** тадқиқотлари ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, халқаро тадқиқотларга тайёргарлик даражасини ошириш, ўқувчиларнинг ижодий ва мантикий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, шу орқали таълим сифатини ошириш бугунги кун таълим тизими олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Халқаро таълим эксперти, Андреас Шляйхер ўзининг “Дунё даражасидаги таълим: XXI аср мактаб тизимини қандай қуриш лозим?” номли китобида Таълим соҳасини тиббиёт соҳасига қиёслади, унинг сўзларига кўра, “тиббиёт соҳасида шифокор беморнинг биринчи навбатда истмасини ўлчайди, ташхис қўяди ва даволаш учун энг самарали даво усулини аниқлайди. Таълим тизимида, биз ўқувчиларни ўқитамиз ва ўқув йилининг охирида ташхис қўямиз, яъни баҳолаймиз.”

Шунингдек, мамлакатимизда таълим хизматлари сифатини ошириш учун ўқув-тарбия муассасалари ва педагоглар барчанинг эътибори марказида бўлиши керак. Бунга бир қанча давлатлар тажрибасини мисол келтириш мумкин:

– Сингапур давлати жуда қисқа вақтда ўз “иқтисодий мўъжиза”сини яратди. Бу мўъжизанинг муаллифи Ли Куан Юдан “Қандай қилиб бунга эришдингиз?”, деб сўралганда у: “Мен давлат бюджетини таълимга йўналтирдим. Муаллимни энг қуйи табақадан Сингапурдаги энг юқори мартабага кўтардим. Давлатдаги мўъжизаларни қилганлар муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнат ва ҳақиқатни севадиган камтар авлодни етиштириб берди. Бунинг учун улардан миннатдоримиз”, деб жавоб берган;

– Худди шундай Япония ҳам таълимни ривожлантириш эвазига жуда қисқа муддатда катта муваффақиятларга эришди. Шу тариқа таълим муассасасига, педагогларга эътибор мамлакатни шиддат билан жуда юксак даражага кўтарди. Япония бутун тараққиёти давомида “Шарқ ахлоқи, ғарб



фани" деган муҳим фалсафага амал қилди. Бу ўзига хос жиҳат давлат ва жамиятнинг барча қатламларида миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш заруратини чуқур ҳис этишни англатади;

– Айни пайтда дунё мамлакатлари педагоглари эътиборидаги ўқитиш тажрибаси Финляндия таълим тизимида мужассам. Зеро, ўн йилдан ортиқ вақт давомида бу давлатдаги 15 ёшли ўқувчилар PISA халқаро баҳолаш дастурида мунтазам энг яхши натижаларни кўрсатмоқда. Финляндиянинг муваффақияти ўқитувчилардир. Юқори сифатли машғулот ўтказиши учун уларнинг мақоми ва мустақиллиги таъминланган. Таълим сиёсати мақсадли равишда тенгликка йўналтирилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, таълимнинг сифати профессор-ўқитувчининг касбий тайёргарлик даражасидан юқори бўла олмайди. Таълим берувчи эски категориялар билан фикр юритар экан, ҳеч қандай технология дарс самарадорлигини ошира олмайди.

Таълим сифатини таъминлашда интерфаол ахборот-таълим муҳитини яратиш, инсон шахсига ҳурмат, ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш, таълимни демократлаштириш катта аҳамиятга эга.

Таълимнинг янгича мазмуни таълимни бошқаришни тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Ўз вақтида ва тўғри қарор қабул қила оладиган, ресурсларни (вақт, молия, кадрлар, технологик, КРІ, форсайт) бошқара оладиган, кучли интуицияга эга, шижоатли, нотик, инновацион тафаккурга эга, харизматик кадрларни тарбиялаш масаласи ўта муҳим.

Халқаро баҳолаш дастурларда муносиб иштирок этиш учун замонавий таълим дастурлари ва дарсликлар контенти ХХІ асрнинг шахсни ўзгаришларга тайёрлаш, ижтимоий интеллект, барқарор ривожланиш, экологик маданият каби яна бир нечта билим ва кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоғи лозим..

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармони. - <https://lex.uz/docs/4312785>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сон қарори. - <https://lex.uz/docs/4097073>
3. Implementing a national assessment of educational achievement / editors, Vincent Greaney, Thomas Kellaghan. p. cm. — (National assessments of educational achievement; Includes bibliographical references and index.
4. PISA 2018 technical standards, Version 1, November 2015, Produced by OECD Secretariat and the PISA 2018 Contractors.